

Qishloq НАУОТИ

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№135 (6.660). Sotuvda erkin narxda



● Мамлакатимизга расмий ташир буюрган Украина таши ишлар вазири Константин Грищенко 3 ноябр кунин Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

● Мамлакатимизга ташир буюрган АКШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консультанти, АКШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский 2 ноябр кунин Узбекистон Республикаси таши ишлар вазири Соҳиб Сафоев билан учрашди.

● Пойтахтимизда «Обод маҳалла йили: натижа ва истиқбол» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Узбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Германиянинг Конрад Аденауэр ҳамда Фридрих Наманн фондлари билан ҳамкорликда ташир этилди.

● 1 ноябр кунин республикамизда «Оролбўйи оналари ва болаларига» шиори остида экологик шанбалик бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, шанбаликда қариб 8 миллион киши иштирок этди.

● Нурота тумани марказида қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган касб-хўнара коллежи фойдаланишга топширилди. Туман ёшлари бу ерда зоотехник, ветеринар, фермер, иқтисодчи каби йўналишлар бўйича билим олади.

● Узбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Хиндистон тасвирий санъатининг қадимий йўналишларидан бири - Мадхубани кўргазмаси очилди. У маъмур академиянинг Хиндистон элчилик хонаси ҳамда Хинд маданият маркази билан ҳамкорликда ташир этилди.

● Узбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Фанлар Академияси, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик ҳамкорликда «Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси - илмий тадқиқот фаолиятини тақомиллаштиришни асосий омил» мавзусидаги илмий-амалий семинар кўргазма ташир этилди.

● Узбекистон Фанлар Академияси Иқтисодий институтида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Узбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда Узбекистон демографик ривожланишининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий семинар бўлиб ўтди.



Атиргул - экспортчи

Тез орада Узбекистонда етиштирилган турфа рангдаги атиргуллар дунёнинг кўплаб мамлакатларида уйлар ва офислари безайди.

Тез орада улар республикамизнинг экспорт маҳсулотларидан бирига айланди. Ҳамма севадиган гулнинг ноёб навлари бугун Тошкент давлат аграр университети иссиқхоналарида етиштирилмоқда. Бу фаолиятни ривожлантириш учун ТДАУ қошида «Аграр технологиялар» Узбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ташир этилди. Унинг муассислари орасида университетнинг ўқув илмий-ишлаб чиқариш хўжалиги, Швейцариянинг «MPC International Investments & Consultants GmbH» компанияси ва унинг «Ўзмедкот» шўба корхонаси ҳам бор.

Қўшма корхонамизнинг ташир этилиш республикамиз учун тўбдан янги экспорт йўналиши - гулчилик тармоғини ташир этиш йўлида биринчи қадамдир, - дейди Тошкент давлат аграр университети ректори Хасан Бўриев. - Корхона кичик ҳажмли гидропоника ва том-

чилаб сугоришининг энг илғор технологияларидан фойдаланган ҳолда иссиқхоналарда атиргул етиштириш билан шуғулланади. Унинг фаолияти асосида университетимиз олимларининг ўсимлик янги навларини яратиш бўйича амалиётчи гулчилар билан бирга олиб борилган кўп йиллик илмий-ишлаб чиқариш ишлари ётади.

Бугунги кунда атиргул хаваскорлар ва мутахассислар орасида жуда машҳур. Дунёга машҳур гулчилик мамлақати - Голландия хозирги вақтда уни етиштириш учун 1 минг гектардан ортиқ иссиқхоналарга эга. Атиргулнинг Европа экспорти 2002 йилда 1,6 миллиард доллари ташир этилди. Дунё бўйича йирик атиргул ишлаб чиқарувчилар қаторига Африкада Кения ва Замбия, Осиёда Исроил, Жанубий Америкада Эквадор ва Колумбия киради. Гибридлашув натижасида атиргулнинг 25 миңдан ортиқ нави яратилган. Бу боз ўсимлиги хушбўй ҳиди, ранглариининг бойлиги ва нафислиги билан ажралаиб туради.

(Давоми 2-бетда)



Фанимизнинг ойдин йўллари

Интеллектуал шахслар жамиятининг энг катта бойлиги. Илму фан ҳодимлари ана шундай кишилар сирасидан.

Зеро, миллат истиқболи, ватан тараққиёти илмий асосланган дастурлар билангина сарбаландидир. Бу борада эса ватанимизда ташир топганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган кўзда тутилган Фанлар академиясининг роли ҳам беқиёс.

Кувончилиши шундаки, академиялар тарихига назар олсак, дунёдаги энг дастлабки, доврқили академияларга бизнинг аждодларимиз асос солганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, 813 йилда Бағдод халифаси Маъмур ар-Рашид асос солган «Байт ул-хикма»-

да Мусо ал-Хоразмий, ал-Хосиб, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Марвазий сингари ватанимиздан етишиб чиққан мутафаккирлар илму фан билан шуғулланишган.

Шунингдек, 1004 йили Хоразмшоҳлар давлати пойтахти Урганчда маърифатпарвар ҳукмдор Маъмур ибн Маъмурнинг академиясида дунё фани тарихида катта из қолдирган, инсоният цивилизациясига энг кўп улму қўшган Беруний, Ибн Сино, Абулхайр, Саид Шабоби, Исмоил ал-Жавҳарий каби юзлаб алломаларнинг илму ижод қилгани қалбимизни фаҳрга тўлдиради.

Ал-Хоразмийнинг алгебра ва жуғрофия, Берунийнинг тарих, фалсафа ва минералогия, Ибн Синонинг табобат

фан соҳасига катта эътибор қаратилганини кўрсатади.

Демакки, Узбекистонда қадимий юртимизда, расман Фанлар академияси деб номланган ташир 1943 йил 27 сентябрдагина ташир этилган йўқ. Академиямизнинг неғизи, асоси шонли тарихимизга, дунё даражасидаги энг дастлабки академияларга бориб тақалади.

Айнан II Жаҳон уруши давом қилаётган пайтда академиянинг бунёд қилинганга уруш сабаб Россия, Украина ва бошқа жойлардан илмий таширлот ҳамда олимларнинг эвакуация этилганининг унчалли боғлиқлиги йўқ, деб уйлаймиз.

(Давоми 2-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

ХИЗМАТ
Самарқанд вилояти деҳқонлари кейинги пайтда қолоқликка барҳам бериб, галла ва пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ташаббусни қўлга олдирди. Ҳўш, улар қандай омиллар ҳисобига муваффақиятга эришишмоқда?
-Авалло, иш тўғри ташир этилаётганлигини айтиш зарур, - дейди Паст Даргом туманидаги «Файзулла» фермер хўжалиги раҳбари Райим Юсупов. - Аллақачонлар тўқилиб, адо бўлган техникаларимизни бутлаб олдик. Авваллари ерлар рисоладаги агротехник ишловга муҳтож бўлиб қолганди. Эндиликда ҳар бир фермер 2-3 тадан ўз техникасига эга.

(Давоми 3-бетда)

ЕТТИ ЮЗ МИЖОЗЛИ МИНИ-БАНК

ТААССУФ

(Давоми 2-бетда)

КАЛАМУШ ХАВФЛИМИ Ё ПОРАХЎР ?

Бундан бир йил аввал матбуот нашрларида, оммавий ахборот воситаларида республикамизнинг шимол-ғарбида ҳисобланган Фарғона водийси вилоятларида кемирувчилар оиласига мансуб каламушларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги хусусида хавотирли ва қолверса, оғоҳликка даъват этувчи мақолалар, зинтиришлар, кўрсатувлар пайдо бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мамлакатимиз ҳудудида каламушлар илк бор 1942 йилда учраган экан. Улар асосан юртимизга Амударё бўйлаб, яъни сув йўллари орқали кириб келганлиги ҳам маълум. Яна мутахассисларнинг фикрича, каламушлар сут эмизувчилар оиласига мансуб бўлиб, қисқа муддатда, ҳар уч ойда болабала, жуда тез кўпайиб кетар экан. Кемирувчилар ичида энг ваҳшийси ҳам шу маҳлук. Лекин бир сўз билан айтганда, у кемирувчи. Шунинг учун ҳам фақат ҳар бир нарсани кемиришни ҳўш кўради. Агар тишлари кемиришдан тўхтаса ўзи ҳалок бўларкан. У кўпайса ёмон. Ҳамма жойни вайрон қилиб юборади. Мамлакатимизда ҳам бу турган-битгани зараркунда маҳлукни йўқотиш учун қанча-қанча маблағлар сарфланди. Шундай бўлса-да, табиий кемирувчилар келтирган зарар анча-мунча салмоқли бўлди. Чунки турли касалликларни келтириб чиқарувчи бу офатни тезда бартараф этмаслик янада аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак, шу офат бўлмаганда сарфланган маблағлар бошқа бир мақсадда, халқнинг иқтисодий-иқтисодий, маънавий-маънавий ҳаётини юксалтиришга сарфланиши мумкин эди. Ҳайриятки, қаттиқ курашувлар ва қўрилган чора-тадбирлар натижасида каламуш эпидемиясининг олди олинди. Натижада каламушлар кескин камайди. Лекин йўқ бўлиб кетган эмас. Уларни тунда турли жойларда учратиш мумкин.

(Давоми 4-бетда)

САВОБ
-Сарвиниса, хув-в-в Сарвиниса! Бормисиз, қўшини-и!
Ишқом остида ўралашиб юрган Сарвиниса хола қўшиниси Қанти холанинг овозидан таниб «хув-в-в» дея қўшини берди. Қараса Қанти хола си тушмага ўр ўсман дол қўйиб, қора райхонни кистирганча дарвозахонага ўрнатилган сўрида бегойим-парисиди.

ПАРИСИ БОР УЙ
лардек талтайиб ўтирибди.
-Келинг, келинг қўшини! Сарви хола пилдираб бориб Қанти холанинг елкасидан олиб қўришди. Кейин кўздек қўшинисига бошдан-оёқ рази ташлаб:
-Келинчақдек ясанвобисиз-а, қўшинжон, йўл бўлсин! - дея сўради.
-Йўл бўлсин эмас, йўллар бўлсин, денг қўшинжон Сизни ҳам олиб кетгани кирди.

(Давоми 4-бетда)

РУҲИЙ ТАЪСИРНИНГ АНТИҚА ҚУДРАТИ

Ўқимизи, маънавиятли, тарихни яхши билган кишилар билан суҳбатлашмоқ ҳам ўзига хос бир сабаб. Яқинда шифокорларнинг нуфузли анжумани якунланганча, кўпчилик илос қилган шифокорлар даврасида бўлдим.

-Маҳмуд ака Темиров (психиатр) билан кўчада гаплашиб турсак, бир йилгит арзи ҳол қилиб қолди, - дейди кўз шифокори Икромжон Абдуллаев. - Исми Раҳимжон экан. Дардини айтгани-ю, икки гапнинг бирида «хик» деб олади.
-Аваллига бепарво юрардим, кейин ичим оғриди, жонимга тегиб кетди. Ёзиб берилган дори-дармонлар қор қилмади. Ичагим узилди, кетмасин, жон ака, бир даво-сина килинг, - дея «хик»илла-ди у.
Маҳмуд ака бирпас ўйланиб турди-да, кўкқисдан феъли бузилди:
-Пулдан чў! Томдан тараша тушгандай сенсираш ва дағдага Раҳимжонга малол келди:
-Шу баодан қутулсам қараб турмасман, дўқ қилмай гапираринг, дўхтир. Аммо шу топда ёнимда йўроқ.
-Пулнинг йўқ экан нега келдинг? - қўлини паҳса қилди соғлиқ посбони.
Гапирганидан пушаймон йигит бир-икки ҳиқилаб олди-да, зарда билан қўл шилтаб, жўнаб қолди.
-Тўхта-чи, - унинг ортидан таҳдид қилди Маҳмуд акам. - Эсинг борми ўзи, нега орқангни ўғирасан?
Раҳимжон тўхтаб, ёни билан ўтирилди ва синиқ овозда сўзланди:
-Мазаим йўқ, Маҳмуд ака, сизни дўхтир, деб арз қилсам... Кўйинг, мен кетай.

(Давоми 4-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 ноябр кунин Оқсаройда Украина таши ишлар вазири Грищенко қабул қилди.

- Биз Узбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларга ташир сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараймиз, - деди мамлакатимиз раҳбари учрашувда. - Давлатларимиз ўртасида барча соҳаларда йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик катта истиқболга эга.

Стратегик ҳамкорлик таъминини асосланган Украина-Украина муносабатлари икки мамлакат томонидан ҳам юқори баҳоланади ва қадрланади. 1992 йилдан бун хозиргача икки давлат ўртасида тўққиз марта олий даражадаги ташир амалга оширилгани ва ўзаро бир юз ўттиздан зиёд ҳужжат имзолангани ҳам ушбу алоқаларнинг аънанавий дўстлик, ўзаро манфаатдор-

лик, ишонч ва ҳурмат асосида ривожланиётганини тасдиқлайди.

1997 йилнинг мартада икки давлат Президентлари Узбекистон билан Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳукуматларо қўшма комиссия ташир қилишга келишиб олган ва бу тўғрида протокол имзолаганди. Шундан бун маъмур комиссия мунтазам мажлис ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама этиб келади. Унинг шу йил январда бўлиб ўтган бешинчи мажлисида савдо, ёқилғи-энергетика, транспорт, фан-техника, таълим ҳамда сайёҳлик ва маданият соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қўрилди. Айтиш жоизки, хозирги кунда маъмур соҳаларда алоқалар кўлами тобора кенгаймоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам ривожланиб бораётир. Жорий йилнинг саккиз ойи якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 238 миллион

АҚШ долларидан ошган. Бу ўтган йилнинг шу давридаги ҳисобатдан ўттиз фоиз кўпдир.

Мамлакатларимиз халқаро таширлотлар доирасидаги ҳамкорлик борасида доимий равишда маслаҳатлашувлар ўтказилади. Узбекистон ва Украина БМТ Хавфсизлик кенгашини тасдиқ қилиш ва уни халқаро хавфсизликнинг замонавий тизимига мослаштириш юзасидан ҳамфикрдир.

Украина Узбекистон Президентини Ислам Каримовнинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Узбекистон-Украина муносабатлари ҳамда мамлакатларимизнинг халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигига оид, шунингдек, минтақамизда ва халқаро майдондаги бугунги вазиет билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашилди.

(ЎЗА)

Узбекистон АҚШ билан стратегик ҳамкорлик ўрнатган санокли давлатлар сирасига киради. 11 сентябр воқеаларидан кейин АҚШ раҳбарлигида халқаро коалиция тузилиб, Афғонистондаги террор ўчоқларига барҳам бериш учун кураш бошланганча, Узбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамлана бошлади.

Террорчилик ҳуружини ўз бошидан кечирган Узбекистон халқаро коалицияни биринчилардан бўлиб қатъий қўллаб-қувватлади. Узбоқ ишонч, маъсадларнинг муштарақлиги Узбекистон ва АҚШ стратегик ҳамкорларга айлантирибгина қолмай, ўзаро алоқаларни муттасил ривожлантиришга йўл очмоқда. Таниқли сиёсатшунос Збигнев Бжезинскийнинг юртимизга ташироти бу фикрнинг яна бир тасдиғидир.

Узбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 3 ноябр кунин АҚШнинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази консультанти, АҚШ Президентининг миллий хавф-

сизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси З.Бжезинский қабул қилди.

- Биз сизни нафақат АҚШ, балки жаҳон иқтисодий-сиёсий ҳаётида таниқли арбоб деб биламиз, - деди Ислам Каримов меҳмонни юртимизга ташироти билан қўлар экан. - Ушбу учрашув Узбекистон-АҚШ муносабатларига доир катор масалаларни яна бир қарра илмий ва сиёсий нукта назардан муҳокама этишга яхши имкон яратмоқда.

З.Бжезинский 1928 йили Варшавада туғилган ва кейинчалик АҚШ фуқаролигини олган. Сиёсат оламида катта нуфузга эга арбоб. Унинг тадқиқот ва таҳлилий мақолалирига жаҳон сиёсатчиларининг қизиқиши катта. У ўзининг аксарият тадқиқотларини АҚШнинг ташироти савдодаги стратегияси ҳамда шўролар тузуми таҳлилига бағишлаган. 1977-1981 йиллари АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Жимми Картернинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлган.

З.Бжезинский дунёнинг турли минтақаларидаги сиёсий вазиетларни теран таҳлил

қилади. Шу боис АҚШ раҳбарлари унинг ташироти сиёсат борасидаги фикр-мулоҳазаларини юксак қадрлайди. У Узбекистон минтақамизда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, биз билан ҳамкорлик АҚШ манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эгаллигини концептуал асослаб берган.

Бу шахснинг мамлакатимизга ташироти ва давлатимиз раҳбари билан учрашуви катта воқеадир. Зеро, у Президент Ислам Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилётган ишларнинг узоқ йўлига қўллаб-қувватлаётган ташироти ва икки сиёсат, Узбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўзига муносиб ўрин топиши, жамиятимизнинг сиёсий-иқтисодий ва демократик шаклланиши, иқтисодий-иқтисодий юксалиш жараёнлари жаҳон сиёсатчиларининг диққат марказида турганини кўрсатади.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Узбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар, минтақавий тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

Юртимизда қадимдан одамийлик улугларига қамтарлик, камсуқумлик хислати юксак баҳоланган. Ён-теваракдагиларимизга хушмуомалалик, иззат-ҳурмат билан муносабатга киришишга ўндолган. Айниқса, қўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик, эл-эмомчилик ниҳоятда қадрланган. Масалан, «Гилам сотсанг, қўшининг сот, бир бурчида ўзинг ҳам ўтирасан», деган гап бор. Бу билан девордამийчилик, ҳамсоячилик ардоқланган. Яхши ёмон кўннинг қўшининг яради, иссиқ-сувўннинг ҳамсоянги хавдор дегани бу.

Тўғри, бу дунё ҳисоб-китоби яхши кўради. Лекин ўзбек бу тушунчага ниҳоят қарайди, унга ёпишиб қолгани йўқ. Дунёда давлатлар кўп, халқлар, одамлар ҳам. Кўпчилик халқларда қўни-қўшничилик десанг, елка қишшади, «ўзимнинг муаммом йўқми» дегандай қарайдилар. Маҳалла-қўй, қишлоқдошлик десанг, қўларини катта-катта очиб, анграйиб қарашади. Қўшничи борми, йўқми иши йўқ. Керак бўлса, ўғли ё қизи билан аниқ-тиник қилиб ҳисоб-китобини жойи-жойига қўйиб ашайдилар. Ёзувчи Ўткир Хошимов айтгани каби бир йўлда яшаганлигини унча ўғли билан коммунал хизмат ҳақини бўлиб олишадди. Ота бошқа хизмат турларини, ўғли эса электр тоқи харажатини тўлайди. Ўғли икки ойлик хизмат сафарига кетган чоғда, ота унинг банкдаги ҳисоб варакасидан пул қўчириб олади. Ўғли эса отани судга беради. Қўшичма маънавий зарарин ҳам учдирати. «Мен икки ойдан бери бу уйда яшайман-ку...», дейди «отаўғил». Мана сизга бошқа бир дунё.

Агар бизда эри-хотин ўртасида сувоқлик ту-

шиб, оилада нохушлик юз берса, қўни-қўшни ўртага тушади. Маҳалла-овул, қишлоқнинг гапга етар кишилари аралашади. Ўртада фарзандлар тақдирига дахлдорлик туғиси устун туради. Демак, келажак ҳақида қайғурилади. Болани тирик етим бўлиб қолишини ҳеч қачон, ҳеч қим истамайди, бизда. Бутун дунёга ҳикмат бўладиган: «Йўғлаб турган боланинг бегонаси бўлмайди...» деган гап бор ўзбекларда. Агар бу мोजаро судга бораган тақдирда ҳам суд дарҳол эри-хотини ажратиб қўя қолай демайди.

Энди бошқа дунё одами нима қилади? Қўчага чиққайтиб, қўшни жанжаллашадиган эри-хотинга сувоқчилик билан қарайди. Уларни муомалага қачириб хаёлига ҳам келмайди. Қўшничи тинчини бузаётганин унча керакли жойга қўнрок ҳам қилиб қўяди.

Бизда қариндошники туғул, етти ёт бегоналикка борсанг ҳам уй суҳбичининг боши қўкка етади. Топганини дастурхонга қўяди. Қўнли киби уйи ҳам ёришиб кетгандай бўлади ўзбекининг. Энди баъзи бир дунёлардада-чи? Агар қўнрок қилиб, оғоҳлантирмасдан опаси синглисиникига борса, сингли олани бир чашкагина қаҳва билан сийлайди. Нега келдинкин, деб ўйлаётганда: «Оғоҳланганингни да дастурхон тўзатардим...», деб қўнда қуруқчи охастонга қизиб қўлади. Кизик-а? Агар қаҳва-қариндошлар бир-бириникига боришмоқчи бўлса, мезбон томон сўраган: «Овқатлангани келасизларми ёки қаҳва ичганими?», «Неча киши келасизлар?», Агар айтилган одам сонига тасдиқдан бир киши қўшилиб қолса ҳам «ортиқча» шўрликка овқат олиб келинмас экан. Фалати-я.

(Давоми 2-бетда)

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

“ҲАЛИЯМ ОДАМ БЎЛМАБСАН”

Неъмат муаллим кўчада автобус кўтиб турарди. Шу пайт олдига бир “Нексия” келиб тўхтади. Неъмат муаллим кетибди “Менга эмас, бекатда турган чиройли қизга тўхтади шекли” деб ўйлади-да, индамай тураверди. Чикинг домла, обориб ташламан. “Нексия”нинг туширилган ойнасидан ҳайдовчининг калласи кўринди.

Неъмат муаллим зўра таниди. Бундан ўн йил олдин ўзи ўқитган Тошкул “Ингичкагина, қол-қора бола эди. Семириб кетибди” ҳаёлидан ўтказди муаллим. Тошкулбў машинадан тўшмас-да, Неъмат муаллим ийманибгина машинага ўтирди, қўлидаги сумкасини олди қўли.

“Муборак бўлсин, Тошкулбў, - табриклади муаллим. - Кўлук, қўлук, мана бизларга ҳам боқар кун бор экан, ҳовли солдим, машина олдиқ, тирикчилик ёмонмас. - Буюрсин, буюрсин, - астойдил хурсанд бўлди муаллим. - Эсингизми, домла, доскага чиқариб олиб, “Тошкул, сан одам бўлмайсан, сан одам бўлмайсан” деб изза қилардингиз. Мана, бизам одам бўлдиқ, ўқимаган бўлсам ҳам дотсадларга продукт берадиган катта база мудириман, еганим олдимда, - деди киборланиб, - сиз-чи, домла? Уша костюм, уша галстук, демак гап ўқишда эмас, пешонада экан-да.

Неъмат муаллим қизарди. Қафасда кетаётгандай бўлди. Тўхтат машинагни! - Тўхтаманг, уйингизгача хали бор-ку? - тормозни босди Тошкул.

Бой бўлишга-ку бой бўлисан, лекин халиям одам бўлмабсан, - Неъмат муаллим эшикни зарда билан ёлди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ

“БУ ЕР – МЕНИНГ ЕРИМ!”

Холдорвой отанинг ёлғиз ўғли – Аскаралли пойтахтда ўқирди. Йил ўтса, Аскаралли олий маълумотли агроном бўлади. Ўқиши битса, бошини икхита қиламан, деб Холдорвой ота нафақасидан орттириб, бир бош сизиг сотиб олди. Ҳар кун сизирни етаклаб боқа бошлади. Бир кун сизирни сўна чақиб, қўлдан чиқиб қочди. Думини хода-хода қилганича шаталоқ отиб, калхўз ерига тушиб кетди. Қарилган-да, Холдорвой ота терга ботиб югурганла келгунича сизир 4-5 туп гўзани амлаб қўйди.

Канақа инсофсиз одамсан?! Оппок соқолнинг билан Совет ҳукмати ерини, Совет халқи мулкани пайхон қилмасан, - қақдандин етиб келган Эшмат бригадир саннай кетди. - Молин билан сан чоли турмага тиқиб керак. Ха. Ха. Худди шундай қилиш керак! Сан – халқ душманисан!

Уэр, Эшматжон болам. Савил колгурни кўрмайсанми, бирданга...

Ман Совет ҳукматидан бошқа ҳеч нарса кўрмайман ҳам, билмайман ҳам, - отанинг гапини шарт чўрт кесди бригадир, - гапин гап. Ўзингни 15 суткага тиктираман. Молингни сўйдирман.

Жон болам, қариганимда илтимос, мени каматмагин... Қишлоқ катталари орага тушди. Хар тугул Холдорвой ота “15 сутка”га камалмади. Лекин сизиги сўйилди...

Орадан йиллар ўтди. Аскаралли ўйлади. Холдорвой ота бир этак неварлар кўрди. Икки йилча муқаддам қаю қилди. Эшмат бригадир эса...

Хорманг, Эшмат ака. Мол-қўй боқисми? Энди, бунча эмас-да. Қараңг, ҳаммаси экинимизга ёйилиб ётибди. Боқмангмас, боқинг. Аммо бизнинг еримизга эиэни тегмасан. Тополсангиз, еримиз ичидан ўт ўриб солинг, - дейди Аскаралли.

Эшмат бригадир фермер Аскараллига тикилганча узоқ ўйга толди...

Ахрор МУСУРМОНОВ

ИНТЕРНЕТДАГИ ФИРИБГАРЛИК

Маргилонлик таникли бир тадбиркорнинг интернет тармоғига уланган компютерига халқор қўлдорликка қаровчи тақлифнома пайдо бўлиб қолди. Унда ўзини Африкадаги Сьерра-Леоне мамлакатга президенти ўғли деб таништирган кимса беимнатга на қилиб: “Мен Сизга хоҳлаганчалик мўддатга фюзис 2 миллион АҚШ долларини ўтказиб бераман, ишларингизни ривожлантириб олишингиз учун”, деган эди. Албатта, тадбиркоримиз аввалига бундай беимнат илтифоти омаддан эсанкираб қолди. Ахир бунча долларга қанча иш қилиш мумкин! Шукронасига уч-тўртта муаллими чакрииб, ис ҳам чакрииб юборди.

Орадан бир ойна ўтиб, компютерига президентнинг шахзода ўғли томонидан берилган иккинчи тақлиф пайдо бўлди. Унда: “Тезлик билан хисоб рақамингиз ва Сизга ўтказиб бериладиган 2 миллион долларнинг банк операциялари учун менга 4 миң доллар қўнатинг...” деди. Тадбиркоримиз яна шовиб қолди. Хисоб-китоб қилиб қўрди, нақд пули 4 миң долларга етмади. 2 миллион доллар қўлдан чиқиб кетмасин, деган ниёда янги машинасини сотмоқчи бўлди. Ундаги хоҳлиқини кўрган ақин бир таниши гап намалдгани билан гап:

“Чуқурроқ суриштириб кўрингми? Яна чув тушиб ўтирма. Халқор халқорликка чақиратган президентнинг ўғли сени аҳмоқ қилмоқчи шекли. У қил-қизил фирибгар, муттахамга ўхшаб турибди-ку. Қаллагини ишлат, сенга 2 миллион доллар бераман, деган ўша хотамтой, нахоти, банк ишига 4 миң доллар тополмасан. Шуниси галатирок-да, - деди.

Шунда тадбиркоримизнинг қўзи ярқ этиб очилиб кетди. “Бир худо саклади-я, - деди у оғайнисини. - Яхшиям ақлимни пешлаб қўйдинг. Нақ ўзини қўйиб деб қолган экан-а. Тадбиркор яна ис чикарди. Бу сафар халқор фирибгардан худо саклагани учун. Кейин бу нарсга ўз тасдиғини топди ҳам.

Холиқназар ЖЎРАБОВ

ШИЛҚИМНИНГ ЖАЗОСИ

Абдулла бобо Термиз-Сариосиё поездига чиқди. Йўловчилар кўп. Кенгроқ жойга ўтирди. Рўперасида икхита кексароқ аёл. Ва битта қиз. Талаба шекли. Гурунглари дарров қизиди. Икки аёл Термизга помидор олиб бориб, сотиб қайтишгаётган экан. Чиройлигина қиз. Термиз тиббиёт коллежини талабаси экан. Исми Гавхар.

Кўтилмаганда икки йигит пайдо бўлди. Бир Абдулла бобонинг ёнига ўтирди. Бир секингина Гавхарнинг ёнига чўқди. Улар ҳам суҳбатга қўшилди. Аммо сал ўтиб, нариги йигит секин Гавхарга гап қўшди. Гавхар аёлга томон силжиди. Йигит ҳам сурилди. Абдулла бобо ўқитувчи бўлиб ишлаган. Жуда сиңков йигитнинг шилқимлик қилаётганини сездди. Гурун қизияпти. Бошқалар эътиборсиз. Йигит Гавхарнинг қўлини ушлаб, билангадига соатга қаради. Қизнинг қўлини қўйвормади. Гавхар қўлини шарт торди. Йигит деди:

“Танбурга чикайлик... юринг... деразадан қараб кетамиз... Абдулла бобонинг тоқати тугади. Деди:

“Ўғлим, исминг нима?”

“Хайдар.”

“Онанг неча ёшдалар? - жиддий сўради бобо.”

“Ўттиз сақкиз ёшда.”

“Онанг чиройлидиров... Онанг билан танштириб...”

“Э-э... нима дейсангиз ўзи... Икки кўзингизни алмаштириб қўяман!”

“Мен... ҳам... икки кўзингни алмаштириб, оғзингни ҳам анча кенгайтириб қўяман. Мен хали онангнинг қўлини ушлаганим йўқ. Сен қизингнинг қўлини ушладинг. Қандай бўлар экан?”

“А-а? Қизингизми? Родной қизингизми? Халиги... Нимайди... Ҳм-м... Мен... билмаб... билмабман...”

Икки йигит секин ситилиб чиқиб кетди.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

(Боши 1-бетда)
Бу аввало ўша кезларда дунё даражасида энг кучли Ҳабиб Абдуллаев, Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Яхё Фуломов каби олимлар етишиб чиққанлиги, уларнинг ҳам шогирдлари шаклланиб қолганлигини англаб, уларга имконият яратиб беришга уринганликларини натижадир.

Негаки, 1932 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Фан комитети, 1940 йилда унинг ўрнига барпо қилинган Собиқ Иттифоқ фанлар академиясининг филиали ватанимизда илму фан ходимларининг ўз имкониятларини рўйбга чиқариш учун илмий марказ ролини удралай олмаганди.

Гарчи ўтган 60 йилнинг 48 йилида илму фанимиз шўро мафқуравий сиёсати билан чегараланган бўлса-да, Ҳабиб Абдуллаев, Теша Зоҳидов, Тошмуҳаммад нидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллигини иншонлаш тўғрисида” ги қарориди ана шу илм-фан даргоҳининг буғуни ва эртанги ойдин йўли белгилаб берилган. Зеро, Президентимиз “Илмий бойлиқнинг қадрига етмайдиған, унинг янада кўпайиши тўғрисида гамаҳўрлик қилмайдиған давлатнинг келажаги бўлиши мумкин эмас. Биз буни доимо эсда тутушимиз керак”, дея фан ходимларига давлат даражасида катта имкониятлар яратиб бермоқда. Демак, келажаги буюк давлатимизнинг илму фани ҳам истикболлидир.

Умид БЕКМУҲАММАД

ФАНИМИЗНИНГ ОЙДИН ЙЎЛЛАРИ

ҚИСКА САТРАЛАРДА

МАРГИЛОННИ БИЛАСИЗМИ?

ЎзР ФАнинг археология институти олимлари ҳамкорлигида 2004 йилнинг апрел ойида Маргилон тарихига бағишланган Халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши режалаштирилган.

Яқинда Республика тарих институти олимлари томонидан эса Маргилон тарихига оид тўплам яратилди.

Мухтор САЛАЙМОНОВ

«ЧИНИКМОҚЧИМИСАН, МАРҲАМАТ!»

Иштихон туманидаги “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалигининг Митан кўрғонига янги спорт мажмуаси ишга тушди.

Ушбу мажмуанинг усти ёпиқ қисмида волейбол, миллий кураш, каратэ, баскетбол майдонлари ва очик майдонда эса футбол, кўл түпи, баскетбол, волейбол ва югуриш майдонлари бунёд этилди.

Зафар ФАЙЗИЕВ

“ФАРҒОНА”- ГОЛИБ

Фарғона туманидаги “Фарғона” ширкат хўжалиги пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик шартнома режисини ошириб баҳардилар.

355 гектар пахта майдонининг хар гектаридан 27 центнердан, жами 965 тонна юкори сифатли қимматбахо саноат хом ашёси тўласича биринчи навларга сотилди.

М.ЭРКАБОВ

ПЕШКУДА БИРИНЧИ

Пешку туманидаги Навойи номи ширкат хўжалигининг деҳқонлари давлатга 1365 тоннадан ортиқ биринчи нав пахта топшириб, йиллик режани удралади.

Хўжаликда пахта терим ишлари давом этмоқда.

Собиржон ҚОДИРОВ

МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

(Боши 1-бетда)
Одамгарчилик, меҳр-оқибат фазилатларини эъозлаш, бир-бирини қўллаш, энг-уеладос бўлиш хислати халқимизнинг қониди бор. Бу хислатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, қўлгилимизда илди отишида маҳалла-қўй – кўнчилиқнинг ўрни беқубс. Демак, маҳалла ўзбекининг ўзига хос хусусияти – ўзлигининг сақлаиб қолишида тарихий аҳамиятга эга. Маҳалла қадим-қадимдан, неча асрлардан бўён ўз мазмун-моҳияти, миллат ментал-



Поп туманидаги Ўзбек-турк “ПОПФЕН” қўшма корхонасида тайёрланаётган калава-нига нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам эҳтиёж катта. Шу боис ҳам корхона маҳсулотини Германия, Туркия, Бельгия, Италия каби қатор давлатларга экспорт қилинаётди.

СУРАТДА: ишчи Насиба Раҳматуллаева.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

КАЛАМУШ ХАВФЛИМИ Ё ПОРАХЎР?

(Боши 1-бетда)
Юқорида айтганимиз оғоҳликка даъват жумласини бежизга келтирмадик. Чунки атрофда бўлаётган хар бир воқеа-ҳодисадан оғоҳ бўлиш хар қандай балонинг олдини олишда катта хизмат қилади. Бир нарсасга салгина беэтибор бўлишдан ҳам катта фожиа келиб чиқиши мумкин. Буни беэтиборлик оқибатида каламушларнинг кўпайиб кетишида кўрдик. Каламуш кемирувчи. Кемирувчи ўз номи билан димидо бирга. Кемирувчи кўпайса ўнданда хавфли. Одатда кемирувчилар олдасига шу турга мансуб ўнлаб жонзотлар киритилди.

Лекин инсонлар орасида ҳам жамиятимизга каламушдан ҳам бўлмаган офатни келтираётган иллат каламушлари айниқса хавфли. Яъни порохўрлик. Порохўр ўзгаларнинг чўнгагини кемирадди. Демак, порохўр жамиятнинг кемирувчиси. Каламуш табиий кемирувчи бўлса, порохўр турли салбий таъсирлар туфайли шаклланган сунъий кушнадидир. Лекин иккаласининг ҳам баднаҳадлиги, мақсади, манфаати бир.

Аслини олганда порохўр ҳам инсон ва асосийси онгли махлук. Ҳамма нарсани билиб, кўриб, идрок қилади. Фақат бир нарсга билан ажралиб туради. У фақат ўзгалар хисобидан кун кўришни афзал кўрувчи паразит. Хар нарсадан у ўзининг наф манфаатини устун қўйди.

Ушбу иллатнинг қачон пайдо бўлгани билмаймиз, лекин абадий лан-натга маҳкум. Шундай бўлса-да, унга ҳайрихолик билан ёндошадиган, ке-

жалб қилади бунга.

Одатда порохўрлик хар қандай жамиятда, хар қандай вақтда бўлган ва у доимо қораланиб келинган ва бу иллат ханузгача йўқолган эмас. Лекин кемирувчи каламушларни батамом қуриб юбориш мумкин, порохўрликни тағтуғи билан йўқ қилиш имкони йўқ шекли.

Демак, порохўр бор. У пора олувчи. Шундай экан, берувчи, унга қўшқўллаб тутказувчи ким?! Уни олишга ўргатувчи ким?!

Агар одамлар миясига (албатта, бу ерда “ўзатувчилар” тушунилади) “Мана шу ичимни битказишни учун фалон-чиға фалон сўми ёки нарсани обориб бермасам ишим битмайди” деган фикрнинг ўрнига “Шуни шу нарсасиз ҳам хал қила оймаймими?” қабилидаги тушунчалар тезроқ қўйилиб келса айни мўдда бўлади. Чунки ана шундай фикрлар ривожини воқеани у ёки бу томонга оғдирishi мумкин. Сабаб,

хар бир киши амалга оширишни қўлаётган ишчин аввал бошида, калласида айлантиради, фикрлайди, режалайди. Фикр соғлом бўлса, унинг натижаси ҳам аъло бўлади. Хуллас, фикрлашда, гап, маъно кўп.

Бундан ташқари яна бир гап ҳам борки, бу инсоннинг нафсдан устун кела олимаслиги. Кўпчилик ҳолларда нафс порохўрнинг жигилдонини қўтиқлаб туради. Оқибатда у пора олишга мажбур бўлади. Мана шу, асл сабаб порохўрликнинг келиб чиқишига. Нафсининг инсондан устун келишининг натижаси бу. Шунинг учун нима қилиш лозим. Зулмкор бўлиш лозим, деб ўйлайди баъзилар. Чунки зулмкор инсондан кўриқшади. Тўғри зулмкордан кўп нарсга кутиш мумкин. Лекин ўз нафсига нисбатан зулмкор бўлиш хар томонлама яхши ва фойдадан холи эмас. Фақат унга қай даражада ўрганишга боғлиқ.

Дилшод УЛУФМУРОДОВ



АТИРГУЛ - ЭКСПОРТГА

(Боши 1-бетда)
Мамлакатимиз ва чет эл мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда атиргулни саноат йўли билан етиштириш катта салоҳиятга эга. Республикаимизнинг географик жойлашуви ва қулай иқлими бунга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими иссиқоналарда иситиш мўддатининг қисқалиғига эришиш имкони беради. Бу эса иссиқлик энергиясини анча тежашга ёрдам беради. Йил давомида қўшели кунларнинг қўлгили куз-қиз даврида сунъий ёритиш заруратиға ўрин қолдирмайди. Умуман олганда, буларнинг ҳаммаси атиргулларни етиштириш таннарини Россия ва Европадагидан кўра анча пасайтириш имкониятини яратди.

**А.ИВАНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.**
Б.АКРАМОВ олган суратлар.



Кўчкор НОРҚОБИЛ, “Қишлоқ хайти” мухбири. Б.АКРАМОВ олган суратлар.

(Боши 1-бетда)

Кеча собесдан (туман ижтимоий таъминот бўлими демокчи) Дилбархоннинг ўзи келди. Чақирсам бир ёққа чиққанансиз...

Вой, ҳайрдек ховлини ташлаба-а? -Хе, нега ташларансиз. Худо берган келин бор, невараларсиз бор...

Хонобод сўхатгоҳидаги шайитлар манзури бўлди. Икки кишилик, уч-тўрт кишилик хоналар. Оёк ости гилам. Яп-янгич кўрпа-тўшаклар солинди...

Ҳар йили ёз мавсумида қарияларни мамлакатимизнинг гузал, тарихий гўшаларига саёхатларга олиб чиқамиз. Қуни кеча ҳам 50 нафар отахонни қадимий Қувага, Аҳмад Афғоний мажмуғига олиб бориб келдик...

Узгалар парварлишига муҳтож, якка-ёлғиз кексаларга доимий хизмат қиладиган дастёрлар бирктиби қўйганмиз. Масалан, шу йилнинг ўзида "Хонобод" ширкат хўжалиги Қумри ҳола Тожиева уйини таъмирлаб берган бўлса...

ПАРИСИ БОР УЙ

шох қаравотлар. Кийим жавон, радио-телевизор. Иссиқ сув, совуқ сув... Жонингизга нима керак бўлса муҳайё экан бу ерда. Хизматчи ходимларнинг дилкашлигини айтинг...

Шу йилнинг ўзида хомийлар ёрдамида ўндан ошқ ногиронларга аравачалар олиб бердик.

Туманимизда байрамларда қариялар ҳолидан хабар олаётимиз, совға-салом улашяёмиз. Бу йил галла ҳосилимиз ҳар қачонгидан ҳам мўл бўлди. Ширкат ва фермер хўжалиқлари билан ҳамкорликда кишлоқларимизда яшаётган 178 нафар уруш ногиронларининг ҳар бирига 100 қилодан дон тарқатдик...

Сарви ҳола билан Қанти ҳола дам олиш уйда ўн кун саломатлигини тиклаб, хордик чиқаришди. Туманнинг олис-яқин кишлоқларидан келган тендошларидан дўст-дўгонлар орттиришди. Қушдек энглилаб, қарчиликда бўладиган инқи-снқилари ариб, руҳлари тектилашиб, тинкиби қайтишди уйлари...

Кўп жойларда кекса, ногиронлар, қарияларнинг дам олиш, мулоқотда бўлиш жамоатчилик марказлари ташкил этилган, - дейди Наманган туман ижтимоий таъминот бўлимининг мудираси Дилбархон Ҳошимова, - аммо, уларнинг ақсарияти кундузи ишлайди. Бу эса чека-чекча кишлоқлардан кекса одамларнинг келиб-қетишларига ноқулайлик туғдиради...

Туман ижтимоий таъминот бўлими мудираси кексаларга хизмат ва саховат кўрсатишда хомийлик ёрдами бераётган "Савдогарбанк", "Пахта Банк" туман бўлими, "Намангансибир" кўша маркази, "Сарбон" фирмаси, "Ижодкор", "Ғайрат", Турсунов номли, "Туркистон" ширкат хўжалиқлари жамоалари номи хурмат билан тилга олади...

Ортиқали НОМЗОВ, "Кишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЁШЛИК ҚИЛДИ

-Сигир қани? - молхондан қафтларини қоқиб чиққан Хошим тоға сўрига тўшақ солаётган келинидан сўради. - Ё далага бервордиларингми?

ташқарига чиқаришмаган. Бунинг ҳам охирадта сўроғи бор. Келин безовталаниб қолди. Қайночасига чойни узатдида. Уридан турди.

ТУРМУШ

Келин жавоб қилмади. Индамай ичкарига кириб кетган келини ортдан хайрон қараб қолган Хошим ота кўнглига шубҳа оралади: "Бу ерда бир гап бор..."

КОНВЕРТНИ ОЧМАЙ ҲАЖИБ ДУНЁ

Сарлавахани ўқиб "йў-е!" дея ҳайратдан ёқа ушлагандирсиз. Гарчи конвертлар муҳрлаб қўйилган бўлса-да, ичидида хатни бемалол ўқиса бўларкан.

БУ АЖИБ ДУНЁ

оладилар. Унга умр етса яхши, етмаса-чи? Лекин шундай бўлса-да, унинг ишқибозлари тобора ортиб бормоқда.

ТИНЧИМАГАН ЯПОНЛАР-ЕЙ...

"Симидзу" компанияси яна бир катта ишга қўл урди: бадавлат кишилар 2020 йилнинг нари-берисиде фазовий меҳмонхонада дам олиб, фазовий оқватларни истеъмол қилишлари мумкин.

ЎЙЛБАРС БИЛАН БИРГА БЕШ СОАТ

АҚШда вақтинча яшашга рухсатномаси бўлган, Сан-Паулу шаҳридан келган бразилиялик Моасир Сесар Луизиана штатидаги университет ҳудуди икки йилгача тозалаб юриди. Лекин бу ишдан у тасодифан ажралиб қолди.

ИЮТҚ УЧУН ЙИГИРМА ЙИЛГАЧА ЯШАШ ШАРТ

Нью-Йорк шаҳрида қизик лотерея уйини ўтказилди. Унинг шартига қўра, барча қарточқаларни тўғри тўлдирган тўққиз голибга 90 миллион доллар берилади.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ - АМАЛДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга билим беришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишмоқда.

ЎЗЛИГИНГ НАМОЁН ЭТ

Донишмандлардан бири "Монга таянч нуқтасини берилган, дунёни елкамда кўтараман", деган экан. Мулоҳаза қилиб кўрсак, бу таянч нуқтанинг меҳр эканин англаймиз.

Меҳр борлиги сабабидан бу тириклик давомийдир, шу боисдан чок-чокидан сўқилиб кетмагандир дунё... Қуёш атрофида айланётган сайёралар каби айланаверамиз, айланаверамиз унинг атрофида. Одамзот ҳамма неъматлардан тез тўйнади, тез меъдасига уради. Меҳргина мустасно бундан. Бинобарин, одам фақат меҳр кўриб ва олиб эмас, меҳр-шафқат беришга, ўзини бағишлашга ҳам эҳтиёжманд. Руҳшуносларнинг га-лиги қараганда, меҳр олишдан кўра, меҳр кўрсатиш завқи бахтиёрроқ қилар экан одами. Меҳр бағишлаш, ўзини бошқаларга нисбатан эътибор тинчлатириб, киши умрини узайтирар экан.

МУНОСАБАТ

Буғун давлат сиёсати кўпроқ оилага қаратилётганининг моҳияти ҳам шу - оилани сақлаш, меҳрни сақлаш, инсонни сақлаш... Меҳр бўлмаса, оила барбод бўлади, бу барбодлик ҳамиятини издан чиқаради, раванж топтирамайди. Бозорга кирсангиз ёки жамоат транспортга чиқсангиз, одамларнинг бир-бирини муносабат қандайлигини осонгина кузатасиз. Шу ўринда бир холатга эътибор қаратсак. Гаўжум бозорга кириб ногоҳон харидор билан ёқама-ёқа бўлиб тортишаётган ёшгина киз қизқатимизни тортиди. Унинг дағалиги, шарқилиги, беҳаё сўзларни тилга олишдан ҳайратдан бармоғингизни тийлаб қоласиз. Уйлаб қолсан киши, бу киз эртага қандай она бўлади? Қайси юракига ишониб турмуш ўртоғига меҳр кўрсатади? Қалбига ҳарорат бўлмаса, фарзанд ўстириб бўлди-шудди, йимон-этиққили қилиб элга қўша оладими? Меҳр булоғи бекилган аёл ҳаққий, том маънодаги аёл номига муносиби? Қолаверса, яна бир оғрикли нуқта намоеъ бўлади: бу киз ўзи билан бу "об-ҳаво"ни оилага ҳам олиб қиради. Холбуки, бундай андишасизлик жуда оддий ҳолга айланиб бораётганини ҳам тан олмай илоҳимиз йўқ. Савол туғилади: Меҳр ва андиша қалбимизда эгизак мисол яшаган, уни асраб-авайлаб авлодларга мерос қилиб қолдириб келган халқ эмасмидики аслида?!

Мана шу туйғуларнинг муносабатларимизда азон қатлами-дек иқпаллашиб кетаётганининг сабабини айримлар тараққийта боғлашади. Назаримда, бу ва бу қабил сабаблар билан ўзимизни оқлаб бўлмайди. Мўҳими, ўзлигимизни намоеъ этувчи меҳр ва андишани авлодлар оша мерос қилиб қолдирмоққа масъуллигимизни унутмаслигимиз зарур.

Муҳаббат ТЎХТАШЕВА



РУҲИЙ ТАЪСИРНИНГ АНТИҚА ҚУДРАТИ

(Боши 1-бетда) Худди арпағини хом ўргандай, бир маҳаллада турамиз-а...

-Ха-а, - Темировнинг сира юмшайдиган сиеқи йўқ. - Бир маҳалладан экан, деб бошимга чиқариб олайинми? -Жон ака, - зорланди йигит. Аммо дўхтир унтар қилди: -Уйингда ит боқаркансан, тун бўйи ақиллаб, уйку бермайдим. Бечора "хиқ"қи қўлини кўксига қўйди: -Мен итдан ҳазар қиламан, жон Маҳмуд ака. -Итингни падарига ланыат! Бу воқеани завқликиб айтаётган Икромжон давом этди: -Қараб турсам, тумнатга қолган йиптининг ҳам авзойи бўзилди, Маҳмуд аканинг ёқасидан олғудай шашти бор. Орага тушдим. -Қарамайсизми, - менга хафа бўла кетди у. - Айбим нима? Битта одам арза қилса, шуми оқибат? Дўхтирман деб одамларни оёқ учиде кўрсатаверадимми? Кутилмаганда Маҳмуд ака ҳоҳлаб қулиб юборди. "Хиқ"қининг ансаси қотди. -Хўқиниригинг қани? - тагин қулди Темиров.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ - АМАЛДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга билим беришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишмоқда.

СУРАТДА: лингафонлар билан жиҳозланган синфда дарс пайти.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ - АМАЛДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга билим беришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишмоқда.

СУРАТДА: лингафонлар билан жиҳозланган синфда дарс пайти.

SPORT OLAMIDA

АВТОПОЙГА МУСОБАҚАЛАРИ

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида автомобил пойгаси бўйича мусобақалар ташкиллаштириш одатий ҳолга айланиб бормоқда. Қуни кеча пойтахтимизда худди шундай турнир ўтказилди. А-7, А-8, А-9 русумли автомобиллар иштирок этган бу мусобақа анча қизиқарли ўтди. Чунки ҳар бир клуб ёшларга қизиқарли ўчин астойдил баҳс олиб боришди. А-7 русумли автомобилда 54 километр масофани биринчи бўлиб "Олимп-Тайфун" жамоаси аъзоси Игорь Ратанов босиб ўтди. "Ватанпарвар" жамоаси аъзоси Сергей Горбуновга А-8 русумли автомобилда, "ЮнайтедМотор" жамоаси аъзоси Райрат Азимовга А-4 русумли автомобилда галаба қозонишди.

ОКСАНА ЧУСОВИТИНА - КУМУШ МЕДАЛ СОВРИНДОРИ

Шотландиянинг Глазго шаҳрида бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган моҳир спортчимиз Оксана Чусовитинага омад қулиб боқди. Қўплаб тажрибали гимнастикачилар орасида муваффақиятли катнашиб, нафис маҳоратини намойиш этган олган ватандошимиз кумуш медални қўлга киритди.

НИЧАЕВНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Хиндистонда бўлиб ўтган Афро-Осиё ўйинлари ёш сузувчиларимизга ҳам омад келтирди. Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Равил Ничаев 50 метрга сузишда маррага биринчи бўлиб етиб келди ва турнирнинг олтин медални совриндори бўлди.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Истиқлол шарофати туйфайли мамлакатимизда теннисга бўлган қизиқчи ёшлар орасида тобора кўцайиб бормоқда. Бундан кўндала Душанбе шаҳрида яқунланган Марказий Осиё ўйинлари турнирида ўзбекистонлик теннисчилар эришган ютуқлар яна бир қарра исботлади. Қуни кеча эса пойтахтимиздаги "Пахтакор" ўйингоҳи теннис кортларида ўсмирлар ўртасида "Олимпиада умидлари" турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида теннисга қизиқувчи, иктидорли ёшлар иштирок этишиб, голиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Мурасиас ва қизиқари кечган мусобақалар якунида голиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

КЎҚОНЛИК МУХЛИСЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг сўнги 30-тур бешлашулари олий лигани тарқ этадиган иккинчи жамоани аниқлаб берди.

Авалла, ушбу турда қўнқилик мутахассислари мухлисларнинг эътибори Қўқонда бўлиб ўтган "Қўқон-1912" - "Пахтакор" учрашувида қаратилди. Сабаби, агар майдон эгалари ўйинни ўз фойдаларига ҳал эта олсалар, олий лигада қолишар, ақсинча биринчи лигага тушиб кетишлари аниқ эди. Шу кунги қўқонликлар ўз мухлислари қаршисида ажайиб, ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Тўқсон дақиқа давомида гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида хафвли ваэиятлар тез-тез содир бўлиб турди. Уйин давомида икки-бозлар бешта голининг гувоҳига айлинишди. Қизиқи, қўнқонлик башорат қилганда, "Пахтакор" эмас, ақсинча "Қўқон-1912" жамоаси 3:2 ҳисобида галаба қозониб, олий лигада ўз мавқеини сақлаб қолди.

Ушбу турда ўз майдонида бўҳороликларни қабул қилган "Цементчи" жамоаси гарчи учрашуви 2:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган бўлса-да, барибор олий лигани тарқ этишга мажбур бўлди. Қолган учрашувлар қўнқонликлар ақундида: "Сурхон"- "Насаф" 1:2; "Дўстлик" - "Анджон" 2:1; "Гулистон" - "Нефтчи" 0:3; "Машъал" - "Навбахор" 2:2; "Металлурги" - "Трактор" 2:0; "Қизилқум" - "Самарқанд-Динамо" 3:1.

ТЕРМА ЖАМОАЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

"Жар" ўйингоҳида ўтган кунги футбол бўйича ҳам ўсмирлар, ҳам ёшлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатига саралаш мусобақаларининг навбатдаги учрашувлари ўтказилди.

Дастлаб майдонда ўзбекистон - Бутан ўсмирлар терма жамоалари ўзаро куч синашишди. Очинги, ҳамюртларимиз ҳам маҳорат, ҳам тезкорлик, ҳам тўп билан аниқ ҳаракат қилиш борасида меҳмонлардан устун эканликларини намойиш қилишди. Ўзбекистонликлар рақиблари дарвозасини олти мартаба ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилишди. Мухлисларга қувонч бахш этган голларни Усмонов (3 та), Набиев (2 та), Пулатовлар киритишди.

Бутанлик тендошларига қарши тўп сурган ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айтарлиқ ҳам уқалари бошлаган аниқани давом эттиришди. Хамюртларимизнинг тўпик устунилигида ўтган учрашу 5:0 ҳисобида яқунланди. Меҳмонлар дарвозасини Бикмаев (2 та), Абдуллаев (2 та), Азизжўяевлар аниқ нишонга ола билишди. Энди ўсмирларимиз ҳам, ёшларимиз ҳам қитъа биринчилигида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар, деб умид қиламиз. Имомали УЛҒАТОВ тайёрлади.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ - АМАЛДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга билим беришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишмоқда.

СУРАТДА: лингафонлар билан жиҳозланган синфда дарс пайти.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ - АМАЛДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга билим беришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишмоқда.

СУРАТДА: лингафонлар билан жиҳозланган синфда дарс пайти.

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИ - АМАЛДА!

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга билим беришда замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланишга эътибор қаратишмоқда.

СУРАТДА: лингафонлар билан жиҳозланган синфда дарс пайти.

Bottom section containing various advertisements for services like printing, legal, and other businesses, including contact information and prices.